



БИЛИМЛАР КУНИ



"БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ"ЛАР ЖАРАНГИ ОСТИДА

720 МИНГДАН ОРИҚ ҒИЛ-ҚИЗЛАР ИЛК БОР МАКТАБ
ОСТАНАСИГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ

5

МУНОСАБАТ

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚГИНА ЭМАС, ДОИМИЙ МАСЪУЛИЯТ ҲАМДИР

Шу кунларда юртимизда, айтиш мумкинки, ҳар бир ватандошимиз қалбида Мустақиллик байрами шукуҳи мавж урмоқда. Ҳар бир оила ўз турмушидаги ўзгариш ва янгиланишлари, эришган натижалари, муродида етган орзу-ниятлари ҳақида фикр юритмоқда, ҳаётини ҳулосалар қилмоқда.

Энг улуғ, энг азиз айёмишимиз халқимиз билан бирга қўтаринки ва шукроналик руҳида кенг нишонланди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг байрам табригида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида муҳим фикрлар, аниқ ҳаётини рақамлар келтирилди.

Мир Алишер Навоий бобомизнинг "Бу оламни яратишдан мақсад – инсон эди, уни бахтли қўриш эди", деган фикрларида чуқур маъно мужассамлиги қайд этилди. Таъкидланганидек, халқимиз асрлар давомида орзу қилиб, курашиб ўтган инсон қадрини улуғлаш, уни бахтли қилиш – барча ислохотларнинг маъно-мазмунига айланди.

Ўзбекистон инсон ресурсларига бой мамлакат, юртимиз аҳолиси йилига ўртача 700-800 минг кишига қўпаймоқда, меҳнат бозорига ҳар йили 500-600 минг нафар ёшлар кириб келмоқда. Бу, албатта, қувонарли рақамлар. Шу билан бирга, катта рақамлар олдимизга катта вазифаларни қўймоқда.

► (Давоми 2-бетда)

ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Чин ўлкасининг "Шимолий дарвозаси" деб аталадиган Тяньцзинь шаҳрида ўтган "ШҲТ плюс" саммити халқаро ҳамжамият диққат-эътиборидаги муҳим сиёсий воқелик бўлди. ШҲТ саммити том маънода очиқлик ва кўп томонлама ҳамкорлик руҳига жавоб берадиган, ишончли мулоқот учун замоннинг ўзи талаб қилаётган майдонга айланиб бораётгани яна бир қарра амалий тасдиғини топди. Бинобарин, ҳозирги мураккаб глобал вазиятда халқлар ва давлатларни эзгу мақсад йўлида бирлаштириш ғоятда долзарб бўлиб, жаҳонда барқарор ва адолатли тартиботни таъминлашда мазкур нуфузли ташкилот мустаҳкам таянчлардан бири ҳисобланмоқда.



2

САҲИФАДА

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

ДЕПУТАТ СЎРОВИ НАТИЖА БЕРЯПТИМИ?



Ҳеч бир одамга депутатлик мақоми шунчаки берилмайди. Унинг моҳиятини ҳис қилганлар бу анчагина масъулиятли ва залворли эканини яхши билади. Шу боис эл ичига қиради, сайловчилар билан учрашади, уларни тинглайди, муаммоларга масъуллар эътиборини қаратади. Депутат ўзига сайловчилардан тушган мурожаатларни қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқади, уларни ҳал этиш чораларини кўради.

► (Давоми 4-бетда)

ХОРИЖ ПАРЛАМЕНТИ

ФРАНЦИЯ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА қайси сиёсий қарашлар етакчилик қилмоқда?

Франция Европанинг ғарбида жойлашган бўлиб, тарихий ёдгорликлари, бой маданияти ва замонавий ҳаёт тарзи билан дунёга машҳур. Пойтахти Париж — санъат, мода ва гастрономия маркази сифатида танилган. Эйфель минораси, Лувр музейи ва Нотр-Дам собори каби диққатга сазовор жойлар Франциянинг рамзига айланган.

Шунингдек, Франция Европа Иттифоқининг энг йирик иқтисодиёт марказларидан бири бўлиб, автомобилсозлик, авиация, парфюмерия ва гастрономия соҳалари билан машҳур. Француз тили эса ЮНЕСКО томонидан энг кўп ўрганиладиган тиллардан бири сифатида эътироф этилган.

► (Давоми 6-бетда)

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚГИНА ЭМАС, ДОИМИЙ МАСЪУЛИЯТ ҲАМДИР



**Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси раҳбари**

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ёшлар ўз-ўзидан ривожланиб, ҳаётда муносиб ўрин топиб қолмайди. Уларга шароит яратиш, илм-у ҳунар ўрганишини қўллаб-қувватлаш, бандлигига қўмаклашиш зарур. Бунинг учун мунтазам ишлайдиган тизим, кафолатли инвестиция ва инфратузилма керак. Инсон капиталини ривожлантириш чукр ва масъулиятли ёндашувларни талаб қилади. Шу сабабли аниқ дастурлар қабул қилиниб, ижроси назоратга олинмоқда.

Давлат раҳбари “Ҳалол меҳнат – хотиржам ҳаёт ва фаровон жамият гарови” деган шиор асосида “яширин” иқтисодийётни жиловлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилаётганини қайд этди. Дарҳақиқат, бу жиддий вазифа. Бу жараёнда фуқаролик институтлари, жамоатчилик назорати субъектлари, парламент ва маҳаллий кенгашлар фаол иштирок этиши зарур.

Кейинги йилларда инсонни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича катта тизим яратилди. Ижтимоий ҳимоя сиёсатининг янги модели йўлга қўйилди. Ҳақли равишда тўғри қайд этилганидек, бу тизим хонадонларгача кириб боргани, эҳтиёжманд аҳоли билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилгани, “Инсон” марказлари ташкил этилгани – барча учун тенг имконият яратилган инклюзив жамиятни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиқнинг у ёки бу тури мавжуд фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон тарихан қисқа вақт ичида умумэтирофга лойиқ тажриба тўплади, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Ижтимоий ислохотларни маҳалла даражасигача, яъни, манзилли ташкил этиш, ижтимоий дафтарларни юритиш орқали эҳтиёжманд инсонларнинг турмуш шароитини ўнглаш, бунинг учун эса уларни ижтимоий-иқтисодий фаол ҳаёт билан қамраб олиш йўлида барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон ижтимоий давлатга хос конституциявий мажбуриятларини, ҳар қанча қийин бўлмасин, муваффақиятли уддалашга интилмоқда.

Табриқда халқимизнинг ҳаёт фалсафасидан келиб чиққан яна бир фикр алоҳида таъкидланди. Яъни, юртимизда бегона одам ҳам, бегона бола ҳам йўқ. Барчамиз ягона юрт фарзандларимиз, ягона Ватан равнақиға хизмат қиламиз. Шу маънода, битта бўлса ҳам қийин ахволга тушиб қолган ҳамюртимиз тақдири барчамизни бирдек ташвишга солиши керак.



Халқимизнинг энг катта қудрати – меҳр-оқибат, саховат ва бирдамликда экани рост.

“Ҳамроҳлик дастури”га мувофиқ ота-она меҳридан маҳрум бўлган 11 минг нафар бола таълим, касб-ҳунар, спорт тизимига қамраб олингани муҳим натижа бўлди. Ҳозирги кунда эҳтиёжманд оилаларнинг 2,5 миллиондан зиёд аъзоларига 110 турдаги ёрдам ва хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Шу йилнинг ўзида ёрдамга муҳтож аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга 19 триллион сўм маблағ йўналтириляпти. Бу рақамлар, бундай натижаларни санокли йиллар олдин ўйлаш, режалаштириш, ҳатто тасаввур қилиш қийин эди.

Инсонни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган ислохотлар вақтинчалик ҳаракат эмас, бу борадаги саъй-ҳаракатлар тизимли

тус олди, одамларнинг кундалик ҳаётига кириб борди. Халқимиз учун муносиб шароитлар яратиш борасидаги ислохотларимиз бир дақиқа ҳам тўхтамайди, деган қатъий позиция натижалар янада яхшиланишига хизмат қилади. Халқ демократик партиясининг сиёсий мақсади, ғоя ва таклифлари ана шу позиция билан уйғун экани бизга катта масъулият юклайди.

Мустақиллик нафақат ҳуқуқ ва эркинлик, шу билан бирга, доимий масъулият ҳамдир. Ҳаммамиз мана шу ҳақиқатни англаб, шунга муносиб ҳаракат қилишимиз зарур.

Қайд этилганидек, ҳар бир ватандошимнинг ютуғи – бу менинг ютуғим, ташвиши – менинг ташвишим, деган фикр билан яшасак, ютуғимиз кўпайиб, ташвишимиз албатта, камайиб боради.

“ ИЖТИМОЙ ИСЛОХОТЛАРНИ МАҲАЛЛА ДАРАЖАСИГАЧА, ЯЪНИ, МАНЗИЛЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ИЖТИМОЙ ДАФТАРЛАРНИ ЮРИТИШ ОРҚАЛИ ЭҲТИЁЖМАНД ИНСОНЛАРНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЎНГЛАШ, БУНИНГ УЧУН ЭСА УЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ ҲАЁТ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИШ ЙЎЛИДА БАРЧА КУЧ ВА ИМКОНИАТЛАР САФАРБАР ЭТИЛМОҚДА.



**Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси
аъзоси**



ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

1 сентябрь куни “ШХТ плюс” форматининг “Кўп томонлама ҳамкорлиқни ҳаётга татбиқ этиш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва барқарор тараққиётга қўмаклашиш” мавзусидаги учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади. Маърузада илгари сурилган ташаббуслар юртимизнинг тинчликсевар, инсонпарвар ва прагматик ташқи сиёсатини яна бир бор аққол намоён этди, десак муболаға бўлмайди.

Таъкидланганидек, ШХТ доирасида шериклик ва амалий ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд. Иқлим ўзгариши, энергетика ва озиқ-овқат ресурслари тақчиллиги, миграция инқирозлари, киберҳужумлар ва бошқа янги хавф-хатарлар юзага келаётган бир шароитда ШХТ мамлакатларининг барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун жамоавий саъй-ҳаракатларни кучайтириш айна заруратдир.

Президент ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида кўп қиррали ҳамкорлиқни кучайтириш вазифаларига тўхталиб ўтди. Биринчи навбатда хавфсизликка оид ташаббуслар тилга олинди. Тошкент шаҳрида ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси негизида Хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича универсал марказ ҳамда Душанбе шаҳрида Наркотикларга қарши курашиш маркази ишга туширилгани эътироф этилди.

Хавфсизлик масалалари бўйича “ШХТ плюс” форматидеги биринчи мулоқотни келгуси йили Ўзбекистонда ўтказиш таклиф қилинди. Афғонистондаги вазиятни ҳисобга олмасдан ва халқаро ҳамжамятининг афғон ҳукумати билан конструктив мулоқотини йўлга қўймасдан туриб, минтақамизда барқарорлиқни таъминлаш мумкин эмаслиги таъкидланиб, ушбу мамлакатни ШХТ лойиҳаларига жалб қилиш бўйича прагматик ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳимлигини қайд этилди.

Бугунги кунда ШХТ нафақат минтақавий хавфсизликни ўрнатишда, балки транспорт, “яшил” энергетика, инновациялар, рақамли иқтисодиёт, sanoat кооперациялари бўйича ҳам қўшма лойиҳаларни амалга оширишда салмоқли ўрин тутмоқда. Шу маънода бизнес соҳасидаги мулоқотлар учун самарали майдонни ишга тушириш мақсадида барча манфаатдор шерикларни жалб этган ҳолда ҳар йили “ШХТ Инвест” инвестиция форумини ўтказиш ва биринчи форумга келгуси йили Ўзбекистон мезбонлик қилиши таклифи билдирилди.

Инвестиция ва савдо йўналишидаги ҳамкорлик иқтисодий ўсиш баробарида барқарор ривожланишни ҳам жадаллаштиради.

Шунингдек, минтақамизни глобал йўлақлар билан ишончли боғлашни таъминлайдиган самарали транспорт йўналишларини яратиш ҳаётий

муҳим масала экани айtilди. Шу борада амалга оширилаётган “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилиши ва унинг Трансафғон йўлағи билан боғланиши ШХТ маконида ягона транспорт тармоғини шакллантириш имконини беради.

ШХТ инновацион-технологик хаблар тармоғини ташкил этиш навбатдаги яна бир устувор вазифадир. Чунки ШХТ мамлакатлари сунъий интеллект, катта маълумотлар базалари, робототехника, биомухандислик, муқобил энергетика каби илғор йўналишларда катта сакрашни таъминлашга қодир илмий-техник қудратга эга.

Бу таклиф ҳам стратегик аҳамият касб этади. Инсоният келажаги сунъий интеллект ва “яшил” технологиялар билан чамбарчас боғлиқлигини ортқча таъриф этишга ҳожат йўқ. Шунингдек, маданий-гуманитар ҳамкорлиқни кенгайтириш мақсадида Буюк ипак йўли маданий мулоқотини таъсис этиш ташаббуси илгари сурилди. Урғу берилганидек, сиёсат ва иқтисод давлатлар ўртасида кўприк курсга, маданий алоқалар ҳам улардан кам вазифа бажармайди.

ШХТ тарихидаги йирик тадбирлардан бири - Тяньцзинь саммитининг самарали натижалари минтақамизда барқарорлиқни янада мустаҳкамлашга, кўп қиррали шериклиқни кенгайтириш ва барча мамлакатларнинг изчил тараққиётига хизмат қилиши шубҳасиз.

АКС-САДО

БУЮК МАҚСАДЛАРГА ҲАМЖИҲАТЛИКДА ЭРИШАМИЗ



**Раззоқ ОСТОНОВ,
Ўзбекистон Халқ
демократик партияси
фаоли.**

Инсон ҳаётида байрамлар, қувончли кунлар кўп. Лекин уларнинг ҳеч бири Мустақиллик куни каби минглаб, миллионлаб қалбларни бирлаштира олмайди. Чунки бу юртимиз, халқимиз тарихидаги беқиёс аҳамиятга эга, улуг ва файзли байрамдир.

Табиийки, мана шундай паллаларда ўтган йиллар давомида мамлакатимиз қандай ютуқларга эришганини, давлат ва жамият тараққиёти қай даражада юксалганини хаёлдан ўтказамиз, ич-ичимиздан ғурур ҳиссини туямиз.

Мустақиллик бизнинг тилимиз, динимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз ва, энг муҳими, инсон манфаатлари устувор бўлган давлатни яратишга асос бўлди. Шу маънода айтадиган бўлсак, мустақиллик — бу тарихимиз ва аждодларимиз билан фахрланиш, бугундан розилик ва келажакка ишонч демакдир. Унга муносиб бўлиш эса ҳар бир фуқаронинг бурчи.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кейинги саккиз йилда юртимизда 31 миллион квадрат метрдан ортиқ ёки қарийб 12 мингта кўп қаватли уй-жой барпо этилгани тарихий

ТАБИЙКИ, МАНА ШУНДАЙ ПАЛЛАЛАРДА ЎТГАН ЙИЛЛАР ДАВОМИДА МАМЛАКАТИМИЗ ҚАНДАЙ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШГАНИНИ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ЮКСАЛГАНИНИ ХАЁЛДАН ЎТКАЗАМИЗ, ИЧ-ИЧИМИЗДАН ҒУРУР ҲИССИНИ ТУЯМИЗ.

қадам бўлди. Шу йилнинг ўзида “Янги Ўзбекистон” ва бошқа массивларда яна 130 минг хонадонли замонавий уй-жойлар қурилиб, аҳолига топширилади.

Кўриниб турибдики, сўнгги йилларда Ўзбекистонда адолатли, манзилли ва барқарор уй-жой сиёсатини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки уй — бу инсон учун фақат турар жой эмас. Уй— бу қадр, хотиржамлик, фаровонлик ва келажақ тимсоли.

Энг муҳими, бу йўналишда эришилган натижалар инсон қадрини улуглаш, ҳаёт сифати ва фаровонлигини таъминлашда ўз ифодасини топмоқда. Шуниси аниқки, фуқаролар ўз уйига эга бўлиш имкониятини нафақат орзу, балки реал мақсад сифатида кўра бошлади.

Албатта, ҳаммамиз, шу юртда яшаётган ҳар бир ватандошимиз мустақиллиқнинг ўттиз тўрт йили давомидаги ютуқлар ва тажрибаларга таянган ҳолда, олға интилишимиз керак. Эл-юрт бирлашиб, ягона аҳил оила бўлиб, астойдил ҳаракат қилсак, ҳаётимизнинг барча жабҳасида муваффақиятлар салмоғи ошиб бораверади.

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойнинг охириги ҳафтасида ўз сайлов округларида бўлиб, аҳоли билан мулоқотлар ўтказди. Парламент қуйи палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари ҳам ўтган ҳафтада ўзига тегишли ҳудудларда сайловчилар билан учрашишди.

Аҳоли билан очик мулоқотлар давомида келиб тушган мурожаатлар қонун билан берилган ваколатлар доирасида ҳал этилди. Айрим масалалар депутат назоратига олиниб, уларнинг ечими юзасидан тегишли вазирликларга депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

МУЛОҚОТДА МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Фракциямиз аъзолари Ш.Аҳмедов ва Д.Мамаджанова Фарғона вилоятининг Қува туманида бўлиб аҳоли вакиллари билан учрашди. Халқ вакиллари “Иттифоқ” маҳалласидаги 15-сонли умумий ўрта таълим мактабининг янгидан барпо этилган ўқув биноси билан яқиндан танишди. Замонавий меъёр ва талабларга мувофиқ қурилган бу иншоотда ўқувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилганига гувоҳ бўлишди. Шунингдек, депутатлар маҳалла фаоллари билан учрашиб, амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ҳамда аҳоли турмуш тарзи, мавжуд

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

имкониятлар ва муаммолар ҳақида фикр алмашишди. Ўрганишлар жараёнида “Иттифоқ” маҳалласида аҳоли тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланмагани ва ҳудудда дорихона йўқлиги маълум бўлди. Депутатлар ичимлик суви ва дорихона билан боғлиқ муаммолар аҳоли турмуш тарзига бевосита таъсир кўрсатишини инобатга олиб, уларни бартараф етиш юзасидан туман мутасаддиларига мурожаат қилишди.

ЖИЗЗАХЛИК ЁШЛАР ИМКОНияТЛАРДАН ҚАНДАЙ ҲОЙДАЛАНМОҚДА?

Депутатимиз Зулайҳо Акрамова Жиззах шаҳридаги “Қалия” маҳалласида фуқаролар билан учрашди. Учрашув давомида маҳаллада иқтисодий фаоллик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш масаласи ҳамда сайловчиларни ўйлантираётган муаммолар муҳокама қилинди. Ўрганишда маълум бўлишича, Азимжон Носиров яратилган имтиёзлардан фойдаланиб, маҳалла еттилиги кўмаги

билан 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, темирчилик устaxonасини ташкил қилган. У бугунги кунда 20 нафар маҳалладошларини иш билан таъминлаган. Шунингдек, маҳаллада яшовчи 18 ёшли Нодир Даминов ёшларга берилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда маҳалла еттилиги кўмаги билан 80 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, ҳозирда “Гулли паталок” ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиб ёшларни эргаширмоқда.

“ОҚТЕПА” МАҲАЛЛАСИДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР БОР?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларимиз Одилжон Иминов ва Анваржон Нурматовлар Андижон вилоятидаги сайловчилар билан учрашди. Жумладан, Олтинқўл туманида ёшлар билан учрашувда фракция фаолияти, қонун ижодкорлиги, қонун лойиҳаларига тақлифлар тайёрлаш жараёнилари бўйича фикр алмашилди. Балиқчи туманидаги “Оқтепа”



маҳалласида маҳалла еттилиги ва аҳоли вакиллари билан учрашув ўзаро очик мулоқот тарзида ўтди. Учрашувда маҳалла фаоллари эришаётган ютуқлари, шу билан бирга учраётган баъзи камчилик ва муаммоларга ҳам тўхталиб ўтишди. Масалан, маҳалла ёшлари учун 49-мактабга камида 250 ўринли қўшимча бино, болалар боғчаси, профиликтика инспектори учун хизмат уйи, маҳалла қизларига тикувчилик касбини ўргатаётган чевар Олмаҳон Жалиловага қўшимча кенгрок жой кераклиги каби масалалар кўтарилди. Шунингдек, аҳолининг яна бир қатор муаммо ва мурожаатлари ҳам депутатлар томонидан ўрганилмоқда.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” мухбири.

ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРДА

САФИМИЗДАГИ ЁШЛАР

Шу кунларда кўп миллатли халқимиз Ватанимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берган унутилмас тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик санасини кўтаринки руҳ билан нишонламоқда. Мустақиллик, истиқлол байрами вилоятимиздаги ҳар бир хонадонда, ҳар бир кўча ва маҳаллада тантана қилинди.

Жойларда “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” шиори остида тадбирлар ташкил этилди. Ҳар жабҳада меҳнат қилган бир гуруҳ фахрийлар, нуронийлар ва ёшлар вакиллари ҳудудларда бўлиб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва янгиланишлар билан яқиндан танишдилар. Ушбу тадбирлар байрамни кенг нишонлаш билан биргаликда, одамларда, айниқса, ёшларда мустақиллиكنинг қадрига етиш ва уни асраб-авайлашда барча бирдек масъул эканлигини англатишда муҳим ўрин тутди. Ҳудудларда партиямиз ташаббуси билан қатор тарғибот тадбирлари, маънавий-маърифий анжуманлар, учрашувлар, очик мулоқот ва сўхбатлар, адабий-бадий кечалар ўтказилди. Ана шундай тадбирлардан бири Шовот туманида ташкил этилди. “Сафимиздаги ёшлар” лойиҳаси доирасида “Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” деган шior остида ёшлар билан очик мулоқот бўлиб ўтди. Тадбирда сўз олганлар қатнашчиларни энг улуг ва энг азиз айём билан қизгин табриклашди. Ёшлар Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинасидир. Бугун улар жамиятни ривожлантиришда фаол қатнашмоқда. Умумхалқ ҳаракатида айланган беш муҳим ташаббусни амалга оширишда

ёшларимиз фаол қатнашаётгани, ҳудудлардаги долзарб масалаларни дадил кўтариб, ташаббус ва шижоати билан ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг иштирокчиси бўлаётгани эътироф этилди. Навқирон авлодимизнинг замонавий билим ва касб-ҳунарлар, она тили билан бирга хорижий тилларни, ИТ технологияларини эгаллашлари, тадбиркорлик билан шуғулланишлари, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқаришлари учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиб берилаётгани, бунга жавобан ўғил-қизларимиз турли соҳаларда дастлабки қувончли ютуқларга эришаётганлари қайд этилди. Очик мулоқотда, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларнинг ижобий натижалари ҳақида гапирилди.

Самимий мулоқотда ёшлар ҳам ўз қизиқишлари, келажақдаги режалари ҳақида айтишди. Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида келажақ масъулиятини ҳис қилиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, жамиятимизни янада ривожлантириш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этишга тайёр эканликларини билдиришди. Мулоқот давомида яна бир бора йигит-қизларимиз Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу кўнгилларга хотиржамлик ва янада кўтаринки кайфият бахш этди. Руҳимизни кўтарди, эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамлади.

Муҳайё ҒАНИЕВА, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилояти кенгаши Ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи.

Мустақиллик байрамини катта тайёргарлик билан кутиб олиш, кенг нишонлаш биз учун эзгу анъанага айланиб қолган. Чунки бу байрам бутун миллат ва халқ тақдири билан боғлиқдир. Ана шундай қутлуғ кунларда нуроний қариялар, бева-бечоралар ҳолидан хабар олиш, ногиронлиги бўлган шахслар кўнглини кўтаришга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти.



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН



ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан ногиронлиги бор

фуқароларнинг кўнгилларини шод қилиш, давлатимизнинг уларга нисбатан бўлган ғамхўрлигини янада намоён этиш мақсадида улар учун бир пиёла чой устида байрамона дастурхон ташкил этилди. Сўзга чиққанлар барчани байрам билан самимий қутладилар ҳамда юртимизда инсон манфаатлари устувор экани, айниқса, эҳтиёжманд қатлам вакилларига доимий эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлашди. Тадбирда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши ходимлари, Чирчиқ шаҳар кенгаши депутатлари, шаҳар ногиронлар уюшмаси ва кўзи ожизлар жамияти раҳбар ходимлари ва 110 нафар ногиронлиги бўлган фуқаролар иштирок этди. Меҳр ва ўзаро ҳурмат-эҳтиром руҳида ўтган тадбирда кексалар ва ногиронлиги бор фуқароларга байрам совғалари топширилиб, улар учун байрам дастури ҳам ташкил этилди. Айтиш керакки, бу каби хайрия тадбирлари вилоятимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этилди. Имконияти чекланган, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳолидан хабар олиниб, уларга хайрия ёрдамлари кўрсатилди.

Махпора ПАРПИЕВА, ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси.

«ИМКОН» ЛОЙИҲАСИНИНГ ИЛК БИТИРУВЧИЛАРИГА СЕРТИФИКАТЛАР БЕРИЛДИ

Ҳар бир инсон жисмоний имкониятидан қатъий назар жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишга ҳақли. Хусусан, ногиронлиги бўлган ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш ва касб-ҳунарга йўналтириш долзарб масаладир.

Бу уларнинг ҳаётини ўзгартиради, қалбларида ишонч ва умид уйғотади. Аслида ҳар бир ногиронлиги бўлган йигит-қиз жамиятга, оиласига фойда келтириши, ўзининг мустақил ҳаётини қуриши, орзу-мақсадларига эришиши учун имкониятга лойиқ. Уларни қўллаб-қувватлаш бизнинг бурчимиздир. Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси ташаббуси билан ёшларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, замонавий касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш мақсадида жойларда “Имкон” акцияси ўтказилмоқда. Кўни кеча ушбу акция доирасида ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши, вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси ҳамда Касбий кўникма маркази ҳамкорлигида Қарши шаҳрида тадбир ташкил этилди. Лойиҳага 100 нафар ёшлар жалб қилинган. Лойиҳанинг дастлабки 20



нафар битирувчисига шу кўни махсус сертификатлар топширилди. Уларнинг ўрнига янгилари қабул қилинди. Ногиронлиги бўлган ёшларнинг бандлиги, нафақат уларнинг ҳаёт сифатини оширади, балки жамиятнинг инклюзив, бағрикенг ва барқарор ривожланишига хизмат қилади. Уларнинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топиши учун давлат ва жамият биргаликда ҳаракат қилиши керак. Чунки ҳар бир ёш ўқишга, ишлашга, дунёни ўрганишга ҳақлидир. Биз эса улар учун имкон яратишга масъулимиз.

Музаффар ТУРОПОВ, ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари.



ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Қонунчиликка кўра, депутат давлат органлари, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига сайловчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли. Депутат сўровига жавоб 10 кундан кечиктирмай ёзма равишда берилиши ва у кимнинг номига юборилган бўлса, ўша мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланиши шарт.



ДЕПУТАТ СЎРОВИ НАТИЖА БЕРЯПТИМИ?

Демакки, давлат идоралари раҳбарлари депутат юборган сўровга белгиланган муддатда жавоб йўллашга қонун олдида ҳам мажбурдир. Чунки, ҳар бир сўров ортида кўп ҳолларда инсон тақдири ёки бўлмаса ҳудуддаги юзлаб, минглаб инсонларни қийнаётган муаммо туради. Шунинг учун муаммоларга, мурожаатларга ва депутатлик сўровига бармоқ орасидан қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Келинг, гапни узоққа чўзмасдан, депутат сўрови бўйича айрим таҳлилларга эътибор берамиз.

ЭНГ «ОҒИР ХУДУДЛАРДА» ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатимиз Зокиржон Зоҳидов Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазири Ж.Мирзамаҳмудовга депутатлик сўрови юборган эди.

Депутатимиз Фарғона вилояти Риштон тумани “Жаҳонобод” маҳалласи ва Сўх туманида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди.

Учрашувда сайловчилар томонидан маҳаллалар қиёфаси ва ижтимоий муҳитни яхшилаш мақсадида Риштон туманидаги иқтисодий-ижтимоий ҳолати энг “оғир ҳудуд” ҳисобланган Т.Аҳмедов, “Жаҳонобод”, “Чўнғара” маҳаллалари ҳамда Сўх туманидаги маҳаллаларнинг электр таъминотини яхшилаш бўйича бошланган ишлар якунига етказилмаганлиги маълум қилинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, депутат вазифалар тўлиқ бажарилмаганлиги фуқароларнинг ҳақли эътирозларига ҳамда такрорий мурожаатларнинг кўпайишига сабаб бўлаётганини билдириб, келтириб ўтилган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш ҳамда режалаштирилган ишларни якунлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида вазирликдан асосли маълумот

тақдим этишини сўраган.

Вазирлиқнинг жавоб хатида Риштон туманидаги Т.Аҳмедов МФЙда 5 дона трансформатор ва 6,9 км, «Чўнғара» МФЙда 1 дона трансформатор ва 7,1 км, «Жаҳонобод» МФЙда эса 1 дона трансформатор ва 2,1 км узунликдаги электр тармоқлари қурилиб, монтаж ишлари якунига етказилгани айтилган.

Шунингдек, Сўх тумани ҳудудида 49 та трансформатор ва 112,9 км электр тармоқлари қуриб битказилгани келтирилиб, иш жараёнида аҳоли мурожаатлари асосида лойиҳанинг кўлами кенгайганлиги сабабли қўшимча 33 та объектда 5 дона трансформатор ва 41,6 км узунликдаги электр узатиш тармоқларини қуриш 2025 йилга режа қилингани қайд этилган.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАСАЛАСИ БЎЙИЧА ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Кейинги йилларда болаларга таълим ва тарбия бериш самарадорлигини ошириш, мактабгача таълим ташкилотларини ривожлантириш, уларда соғлом овқатланиш тартибини жорий қилиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Олиб борилаётган тизимли ишларга қарамадан депутатларнинг ҳудудларда сайловчилар билан учрашувларида ва ижтимоий тармоқларда айрим боғчаларда озиқ-овқатлар сифати пастлиги, давлат томонидан ажратилаётган маблағлар талон-торож қилинаётганлиги, соҳага масъул бўлган давлат ташкилотлари етарли равишда ишлар олиб бормаётганлиги ҳақида эътирозлар билдирилмоқда.

Шу сабабли Қонунчилик палатаси депутатимиз И.Токарева Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринбосари Ш. Каримовга депутат сўрови юборди.

Сўровда 4 та масала юзасидан тушунтириш сўралган. Жумладан:

1. Вазирлик тизимидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларини босқичма-босқич аутсорсинг усулида овқатланиш тизимига ўтказиш бўйича қандай ишлар амалга оширилаётгани;

2. "Ягона мавсумий таомнома"ни жорий этиш ҳамда озиқ-овқат харажатларининг (натур кўринишида) ҳисобини "Болалар боғчаси" мактабгача таълимини бошқариш ахборот тизимида яратилган модуллар орқали юритиш бўйича қандай ишлар амалга оширилаётгани;

3. Аутсорсерлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар бўйича ота-оналар томонидан таклиф ва шикоятларни киритиб бориш ҳамда ушбу жараён устидан жамоатчилик назоратини ўтказиш бўйича самарали ахборот тизими жорий қилинганлиги;

4. Вазирлик томонидан келгусида мактабгача таълим ташкилотларида озиқ-овқатлар сифатининг пастлиги, давлат томонидан ажратилаётган маблағлар талон-торож қилинишининг олдини олиш бўйича қандай қўшимча чора-тадбир белгиланганлиги масалаларида асослантирилган тушунтириш берилиши сўралган.

МУАММОГА ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Қува туман Кенгашидаги депутатимиз О.Олимовга туманнинг "Юзья" маҳалласи Шодлик кўчасида яшовчи бир гуруҳ фуқаролардан ҳудудда бир неча йилдан бўён электр энергияси таъминоти тизимида муаммолар борлиги тўғрисида мурожаат келиб тушган.

Мурожаат тегишли тартибда ўрганилганда, Шодлик кўчасида ҳозирда 210 та хонадон мавжуд бўлиб, ўтган даврда 200 дан ортиқ бетон устунлар ўрнатилиб, электр кабеллари тортилганлиги аниқланди. Ўрганиш якунига асосан, кўчадаги электр энергияси тизимини тўлиқ ишга тушириш учун 1 дона янги трансформатор ўрнатиш кераклиги маълум бўлди.

Депутат мурожаатга асосан туман ҳокими ўринбосари Муслимжон Акбаровга ҳудудга трансформатор ўрнатиш масаласида депутатлик сўрови юборган.

Жавоб хатида шу йилнинг 3-чораги якунига қадар, яъни, куз-қиш мавсуми бошланмасидан олдин ҳудудга трансформатор ўрнатилиши маълум қилинган.

ЙЎЛ СОЗЛАНДИ

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги депутатимиз Мухсиддин Низомиддинов вилоят Автомобиль йўллар бош бошқармаси раҳбари Ж.Бекмурзаевга депутатлик сўрови юборганди.

Унда Паркент тумани марказидан Қизилтоғ шаҳарчасигача бўлган D015 автомобиль йўлидаги чуқурларни созлаш, йўл ёқасидаги мактаб олдида светофор ўрнатиш, йўл чизикларини қайтадан чизиш сўралган.

Сўровга жавобда йўл жорий таъмирдан чиқарилгани, йўл чизиклари чизилгани айтилиб, светофор ўрнатиш режага киритилгани маълум қилинган.

Мухсиддин НИЗОМИДДИНОВ, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутати:

– Сайловчилар билан учрашувлардав паркентлик юртдошларимиз йўлларнинг нотекислиги, мактаб олдида светофор йўқлиги, бу одамларнинг, болаларнинг ҳаётига хавф солаётгани ҳақида кўп эътирозлар, мурожаатлар бўлди. Масалани жойига бориб ўргандим ва Автомобиль йўллар бош бошқармасига депутатлик сўрови юбордим. Ҳозир режага киритилган ишларни қатъий назорат қиляпман.

Қачонки, фуқарони қайсидир масала ўйлантирса, қачонки, бирор ҳудудда аҳоли қайсидир муаммо ечимини ҳал этишда қийинчиликка учраётган бўлса, сайловчилар ўзлари сайлаган депутат эшигини тақиллатади ёки унга сим қоқади. Тўғри, баъзи масалалар йўл-йўлакай ҳал этилса, айримлари юқори ташкилотлар арлашуви ва Давлат дастурлари билан боғланади. Бунда албатта, депутатнинг ваколати, мақоми иш беради, кўмаги зарур бўлади. Ҳар бир мурожаатчи депутатга умид билан юзланади, айримларининг эса сўнгги чораси ҳам шу бўлади. Шунинг учун ҳис қилиб, ваколатимиздан самарали фойдаланишга, сайловчиларимиз манфаатини ҳимоя қилишга виждонан ва жиддий киришамиз.

Бунинг ортида юзлаб, минглаб одамлар манфаати турибди. Демак, масалаларга эътиборсиз қарашга ҳаққимиз йўқ.

Аслида, халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатларга ечим топишга қаратилган инсонларвар сиёсатнинг бош маъноларидан бири ҳам одамларни тушунишга имконият яратиш, реал ҳаёт билан ҳамнафас бўлишдан иборатдир.

Албатта, масъулиятни ҳис қилаётган, мажбуриятини унутмаётган, виждонига парда индирмаётган депутатларимиз жуда кўп. Улар ўзларига берилган ваколатлардан самарали фойдаланяпти.

Масалан, айтийлик, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлари давлат идоралари раҳбарларига 2 757 та депутатлик сўрови жўнатди.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида кўпгина депутатлар, партия фаоллари билан боғландик. Сўровга масъулларнинг муносабати билан қизикдик. Мутасаддилар камдан-кам ҳолатда депутат ёки унинг қонуний талабларини эътиборсиз қолдиради.

Албатта, депутат ўзини ҳурмат қилиши лозим. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, халқ вакили ўз ваколатларини яхши билибгина қолмай, улардан тўғри, ўз ўрнида ва виждонан фойдалана олиши зарур. Чунки ўзини ҳурмат қилган депутат зиммасидаги масъулиятни ва одамлар олдидаги бурчини яхши билади. Айнан шулар асосида ҳаракат қилиш орқали ҳеч кимнинг ёнида “юзи қора” ҳам бўлмайди, тили ҳам қисилмайди. Сўзи ҳам, сўрови ҳам кучли депутат сайловчилар олдида ёруғ юз билан, бошини баланд тутиб бора олади.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.





"БИРИНЧИ КҮНҒИРОҚ"ЛАР ЖАРАНГИ ОСТИДА

720 МИНГДАН ОРТИҚ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР ИЛК БОР МАКТАБ ОСТОНАСИГА КАДАМ ҚЎЙДИ

Умрнинг беғубор фасли – болалик хотиралари қатида барчамиз учун энг қадрли ва энг сурурли лаҳзалар, шубҳасиз, мактаб оstonасига илк бор қадам қўйган кўнимиз билан боғлиқ. Бу кунни ҳамиша орзиқиш ва соғинч билан эслаймиз. Бугун мактабгача таълимни тугатиб, “Биринчи кўнғироқ” садолари остида саодат йўли – илм йўли сари пешвоз чиқаётган фарзандларимиз сиймосида ана шу тотли хотиралар қайта гавдаланади. Эрта тонгдан мактабга ошиқаётган ўғил-қизларимиз нигоҳидаги ҳаяжон-у қувонч қалбларимизга кўчади.

Мустақиллигимизнинг ўттиз тўрт йиллик тантаналарига уйғун ҳолда юртимизда Билимлар кўни анъанага кўра, ўзгача шукҳда кенг нишонланди. Сентябрьнинг 2-санасида минглаб мактабларимизда 2025/2026 ўқув йили бошланишидан дарак бергуччи “Биринчи кўнғироқ” жаранглади. Бу кўнғироқ, айниқса, жорий йилда биринчи синфга қабул қилинган 720 мингдан зиёд болаларимиз ҳаётида чин маънода янги саҳифани очди. Айни жараёнда уларга 12 номдаги ўқув анжомларидан иборат «Президент совғаси» топширилгани илк ўқув йилининг илк кунигади завқ-у шавқни қаррасига оширгани аниқ.

Билимлар кўни муносабати билан Президентнинг мамлакатимиз мактаблари ўқувчилари ва устоз-мураббийларига йўллаган табриги эса янада кўтаринкилик

бағишлаб, ҳаммани бирдек руҳлантириб юборди. Дарвоқе, бу йилги “Биринчи кўнғироқ” тадбирлари “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” шiori остида юксак даражада ўтказилди.

Тараққиётнинг тамал тоши мактабларда қўйилади. Бу табаррук масканларда илм олиб, камолга етган, онгу тафаккури, дунёқараши юксалган, салоҳиятли йигит-қизларимиз мамлакатнинг ёрқин келажагини барпо этади.

Жумладан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида таълим тизимини янада юқори босқичга кўтариш, бунинг учун, аввало, мактабларда шароитларни ва қўйтиш сифатини тубдан яхшилаш, ўсиб келаётган авлодни билимли этиб тарбиялашга устувор эътибор қаратилаётгани алоҳида диққатга молиқдир. Дарҳақиқат, кейинги йилларда бутун юртимиз каби мактабларимиз қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб, улар Янги Ўзбекистон тимсолига айланиб бораётгани барчамизни чексиз қувонтиради. Чунки мактаб қанчалик обод ва чароғон бўлса, жамият ҳаёти шунчалик фаровон, мазмунли ва маърифатли бўлади.

Эътироф этиш керак, сўнгги йилларда мактаб иши умумхалқ ҳаракатига айлانгани бугун ўз маҳсулини бермоқда. Мактабларнинг моддий-техник базасини яхшилашдан тортиб, ўқитувчи-мураббийларнинг жамиятдаги нуфузу-ю мақомини ошириш ҳамда педагог кадрларни тайёрлашда замонавий ёндашувларни жорий

этишгача бўлган бутун бошли тизимда янги ва яхши ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилингани, халқ таълими тизимига оид қатор қарор ва фармонлар билан соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари мустаҳкамланиб бораётгани пировардида ўсиб келаётган авлод манфаатларини қафолатламоқда. Улуғ алломаларимиз – Мирзо Улуғбек ва Мухаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Исҳоқхон Ибрат, Мухаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева номлари билан аталган ижод мактаблари, “Темурбеклар мактаби”, Президент мактаблари (жорий ўқув йилидан Ал-Беруний номидаги мактаб-интернет фаолияти ҳам йўлга қўйилди), хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги таълим ташкилотларининг ташкил этилгани фарзандларимиз билим пиллапояларидан кўтарилиши учун, ёруғ истиқболи учун хизмат қилмоқда.

Табриқда таъкидлаганидек, бугун кўплаб мактаб битирувчилари мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юртлари билан бирга хориждаги етакчи университетларга юқори балл билан ўқишга қираётгани, ҳаётда ўз муносиби ўрнини топиб, Янги Ўзбекистон тараққиётига улкан ҳисса қўшаётгани ҳаётимизда мактабнинг, устоз-мураббийларнинг аҳамияти янада ортиб

бораётганини кўрсатади.

Ҳа, олдимизга қўйган улкан орзуларимиз рўёби, Ватанимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг юксалиши муқаддас даргоҳ – мактаблардан бошланади.

Маълумот учун. Юртимизда 10 минг 193 мактаб мавжуд бўлиб, унда жорий ўқув йилида 6 миллион 754 минг 813 нафар ўқувчи таълим-тарбия оломоқда.

Янги ўқув йилидан таълим ташкилотларида қатор янгиликлар амалиётга киритилмоқда. Ҳафтанинг ҳар душанба кўни “Келажак соати” дарслари ташкил этилиб, зарур қўлланмалар milliytarbiya.uz платформаси орқали етказилаётгани, “боғча – мактаб – олий таълим” шаклида ягона ғоявий тарбия тизими йўлга қўйилаётгани бунга мисол.

Шунингдек, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб умумий ўрта таълим ташкилотлари директори лавозимининг базавий тариф ставкаси 20 фоизга, умумий ўрта таълим ташкилотлари директори ўринбосари лавозимининг базавий тариф ставкаси 15 фоизга оширилади.

I ва II гуруҳга кирувчи мактабгача таълим ташкилоти директорлари лавозимларининг базавий тариф ставкалари тегишлича III ва IV гуруҳдаги умумий ўрта таълим ташкилоти директори ўринбосари лавозимининг базавий тариф ставкаларига тенглаштирилади.

Фарида МАҲҚАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



Бекмурод АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазири
ўринбосари,
генерал-майор.

Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мамлакат тараққиётининг асосий шартларидан биридир. Дунё миқёсида жиноятлар, одамларнинг осойишта ҳаётини издан чиқарувчи хавф-хатарлар ортиб бораётган ҳозирги замонда бу неъматларнинг қадри нақадар баландлигини янада чуқурроқ ҳис қиляпмиз.

“ХАВФСИЗ ВА СОҒЛОМ ЮРТ” ТАДБИРИ ДОИРАСИДА

Марказий Осиё аввалдан Афғонистонда ишлаб чиқариладиган гиёҳвандлик воситалари учун транзит ҳудудлардан бири бўлиб келган. Аммо сўнгги йилларда вазият кескин ўзгарди – минтақада “шимолий йўналиш” бўйича транзит хавфи билан бирга янги таҳдидлар пайдо бўлди. Бошқача қилиб айтганда, минтақамиз давлатларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ҳамда “енгил наркотик” сифатида кучли таъсир қилувчи дори воситалари истеъмоли ва савдоси оммалашди. Бундай салбий ўзгаришлар хавфсизлик, профилактика ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишларини янги даражага олиб чиқиш заруригини кўрсатди.

Шу маънода бугунги кунда гиёҳвандлик воситалари тарқалишининг ва нотибий

ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИНИ САҚЛАШ – ШАРАФЛИ БУРЧ

истеъмолининг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, ҳар йили февралда юртимиз бўйлаб “Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларининг тарқалишига қарши курашиш ойлиги” ўтказиб келинаётди.

Жорий йилда ҳам мазкур тадбир давомида таълим ва тиббиёт муассасалари, шунингдек, аксарият ишчи-ҳодимлари ёшлардан иборат қорхона ва ташкилотларда “Биз гиёҳвандликка қаршимиз!” шiori остида 53 минг маротабадан кўп учрашувлар ўтказилиб, уларда 1,5 миллиондан ортиқ иштирокчи қамраб олинди. Очик мулоқот руҳида ўтган мазкур тадбирларда ёшлар орасида “енгил наркотик” сифатида оммалашиб бораётган психотроп дориларнинг, синтетик гиёҳвандлик воситаларининг инсон саломатлигига, турмуш тарзига ва жамиятга салбий таъсири мутахассислар томонидан атрафлича тушунтирилди. Айни мазмунда мингдан ортиқ буклет, флаерлар тарқатилди. Бундан ташқари, ойлик доирасида спорт мусобақаси, тасвирий санъат бўйича танлов, театрлаштирилган томошалар, “Қувноқлар ва зукколар” интеллектуал ўйини ҳамда марафонлар ташкиллаштирилди, буларнинг бари аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмушни кенг тарғиб қилиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш мақсадларига йўналтирилди.

Шунингдек, ҳар йили май-июнь ва август-сентябрь ойларида икки босқичда “Қора дори” кенг қамровли тезкор-профилактик тадбири ўтказилади. Ушбу тадбирларда наркожиноятларни аниқлаш баробарида оммавий ахборот воситаларида, интернет тармоқларида гиёҳвандлик иллатининг оғир оқибатлари ҳақида мунтазам чиқишлар қилинаётганини, маҳаллаларда, таълим муассасаларида ва чегара ҳудудларда мавзу юзасидан тушунтириш ишлари таъсирчан усулларда олиб борилаётганини таъкидлаб ўтиш ўринли, албатта.

Давлатимиз раҳбарининг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида январь ойида “Хавфсиз ва соғлом пойтахт”

ҳамда апрель-май ойларида “Хавфсиз ва соғлом юрт” кенг қамровли тезкор-профилактик тадбирлари ўтказилди. Ушбу жараёнларда тўпланган ижобий тажрибадан келиб чиқиб, 15 июлдан 15 августга қадар “Хавфсиз ва соғлом юрт” тадбирининг иккинчи босқичи амалга оширилди. Тадбирга ички ишлар идоралари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари бириктирилиб, ИИВда тезкор штаб ва ҳар бир ҳудудда ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди.

ИЛК МАРОТАБА
ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ
ВА ПСИХОТРОП
МОДДАЛАРНИНГ
НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИГА
ҚАРШИ КУРАШИШ
Йўналишида тун-у кун
ишлаб турадиган “CALL-
МАРКАЗ” ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.
МАРКАЗГА ТАЖРИБАЛИ
ТЕЗКОР ХОДИМЛАР
БИЛАН БИРГА, ИИВ
АКАДЕМИЯСИ ВА ТИББИЁТ
МУАССАСАЛАРИНИНГ
МАЛАКАЛИ
МУТАХАССИСЛАРИ ЖАЛБ
ЭТИЛДИ. НАТИЖАДА
АХОЛИДАН КЕЛИБ ТУШГАН
ЖАМИ 598 ТА МАЪЛУМОТ
ДАРҲОЛ ЎРГАНИЛИБ,
ФУҚАРОЛАРГА ҲУҚУҚИЙ
ЁРДАМ ВА МАСЛАҲАТЛАР
БЕРИЛДИ, ТЕЗКОР-ҚИДРИВ
ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.

Профилактик тадбирларнинг таъсирчанлигини янада ошириш ҳамда ёшларнинг қалбига йўл топиш мақсадида таниқли санъаткорлар, жамоат ва дин арбоблари иштирокида “Биз соғлом турмуш тарафдоримиз – гиёҳвандликка қаршимиз!” шiori остида турли қизиқарли тадбирларнинг кенг форматда ўтказилаётгани қутилган натижани бермоқда.

1 МИНГ 700 ДАН ОШИҚ “НАРКОГРАФИТИ” АНИҚЛАНДИ

Гиёҳвандлик жамият пойдеворини емирадиган иллат. Унга қарши кескин курашиш долзарб аҳамиятга эга.

АЙТИШ КЕРАККИ,
“ХАВФСИЗ ВА СОҒЛОМ ЮРТ”
ТАДБИРИ МОБАЙНИДА
РЕСПУБЛИКАМИЗДА
ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ
ВА ПСИХОТРОП
МОДДАЛАРНИНГ
НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ
БИЛАН
БОҒЛИҚ 2 МИНГ 599 ТА
ҲОЛАТ АНИҚЛАНДИ. 558 КГ
ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ,
376 МИНГ ДОНАДАН ОРТИҚ
КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ
ДОРИ ВОСИТАЛАРИ
НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАДАН
ОЛИНДИ. 1 МИНГ 636
НАФАР ШАХС ЖИНОИЙ
ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ.

Хусусан, шу йилнинг 25 июль кўни Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида яшовчи, 1996 йилда туғилган Ж.Воҳидов 250 грамм, унинг жиноий шериклари, 2007 йилда туғилган О. Ҳамроқулов 295 грамм ва 1998 йилда туғилган Қ. Ҳамроев 245 грамм прегабалин кучли таъсир қилувчи моддасини ўтказмаётган вақтида ушланди. Бундан ташқари, Қ. Ҳамроевнинг яшаш манзилидан яна 6,5 кг шу турдаги моддалар топилди. Мазкур дори воситалари, борди-ю, муомалага чиқарилганида 36,5 минг донага яқин бир маротабалик истеъмол “доза”сини ташкил этар эди.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, “Хавфсиз ва соғлом юрт” тадбири доирасида топилган гиёҳванд моддаларнинг “қора бозор”даги тахминий нархи 259 млрд. сўмга тенг бўлиб, 3 миллион 898 мингта дозани ташкил этади. Бу захри қотил қанчадан-қанча оилаларнинг бузилишига, бевақт ўлимларга олиб келиши мумкин эди. Гиёҳвандликнинг яна бир хавфли томони, бу иллат охир-оқибат ўғрилиқ, талончилик, безорилиқ, ҳатто одам ўлдириш каби оғир жиноятларга етаклаши мумкин.

Мамлакатимиздаги нарковазиятга гиёҳвандлик воситалари сотиладиган интернет-дўкон манзили акс эттирилган “наркографити”лар ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Улар аҳолида, кўпроқ ёшларда гиёҳвандлик воситаларига қизиқиш уйғотади. Шу сабабли, тадбир давомида “наркографити”ларни аниқлаш ва ўчириш, уларни чицаётган шахсларни топишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам қучайтирилди.

Натижада 1 минг 751 та “наркографити” аниқланди. Уларни чиизган шахслар қўлга олиниб, жавобгарликка тортилди. Шу ўринда “наркографити” билан боғлиқ бир мисолга тўхталмоқчиман. Жорий йилнинг 3 август кўни Тошкент шаҳри туманларининг бридида 3 нафар 6-7-синф ўқувчилари деворларга “наркографити” чизиш билан шуғулланаётгани маълум бўлди. Энг ачинарлиси, улар қилмишларининг оқибатини ҳали тўлиқ тушуниб етмаганликларидир. Болаларнинг ота-оналарига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жазо тайинланди. Биргина шу ҳолатнинг ўзи тадбир давомида ёшлар ва жамоатчилик орасида кенг тарғибот ишларини янада қучайтиришга ундади.

КЕНГ ҚАМРОВЛИ КУРАШ

Тадбир давомида нарко-жиноятлар билан бир қаторда, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳам соҳа ходимларининг диққат марказида бўлди. Бу жиноят билан боғлиқ 3 минг 439 та, коррупция йўналишида эса 1 650 та ҳолат фош этилди. Терроризм ва экстремизм бўйича 230 та жиноят иши қўзғатилиб, 137 та ноқонуний ҳужра ва 1057 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Қидирувда бўлган 1 033 нафар шахс қўлга олинди, бедарак йўқолган 584 нафар фуқаро топилиб, оиласи бағрига қайтарилди.

Умуман, “Хавфсиз ва соғлом юрт” ойлиги доирасида олиб борилган профилактик чора-тадбирлар натижасида жиноятчиликнинг сезиларли даражада камайишига эришилди. Жамиятда хавфсиз ва соғлом ҳаёт қадриятларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Хулоса ўрнида айтишни истардикки, юртимиздаги осойишта ва хотиржам ҳаётни сақлаш фақат тегишли идоралар вакилларининг зиммасидаги вазифа эмас, балки ҳаммамнинг виждон иши ҳисобланади. Шу тарика фарзандларимизнинг ёрқин келажагини таъминлашга, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшамиз.



ФРАНЦИЯ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА

қайси сиёсий қарашлар етакчилик қилмоқда?

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакат сиёсий тизимига келсак, демократик республика бўлиб, Президент давлат бошлиғи ҳисобланади. Сиёсий майдонда турли партиялар фаолият юритади: социалистлар, либерал-демократлар, консерваторлар ва экологлар. Сўнгги йилларда сиёсий кучлар ўртасида мувозанат ўзгариб, чап қанот ва ўнг қанот кучлар бир-бирига яқин рақобатда.

Европа парламентидаги депутатлик ўринларининг 81 тасини қўлга киритган. Бу эса Иттифоққа аъзо 30 га қарин давлат орасида Франция иккинчи ўринда эканини кўрсатади.

Мамлакат ички сиёсатида қатъий етакчи блок мавжуд эмас. Чунки Франция — сиёсий жиҳатдан ранг-баранг, демократик анъаналари кучли ва фуқаролари сиёсий ҳаётда фаол иштирок этадиган давлатдир.

ПАРЛАМЕНТДАГИ УЧТА АСОСИЙ БЛОК

Биламизки, Франция дунё харитасида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан алоҳида нуфузга эга. Республика кучли ваколатлари бор Президент томонидан бошқарилади ва у ижро ҳокимиятида катта таъсирга эга. Миллий Ассамблея ва Сенатдан ташкил топган икки палатали парламент фаолият юритади. Миллий Ассамблеяда кўпчилик ўринга эга бўлган сиёсий куч давлат бошқарувида ҳам кенг имкониятлар соҳиби бўлади. Бу мамлакат эркин сайловлар, кучли муҳолифат, мустақил матбуот ва норозилик намойишлари маданияти билан демократик давлатлар қаторидан жой олган.

Бироқ ўзгаришлар, кескинликлар ҳар бир минтақада бўлгани каби французлар учун ҳам бегона эмас. Европанинг илғор мамлакатларидан бири бўлишига қарамай, анъанавий қадриятлар билан замонавий қарашлар тез-тез тўқнаш келади. Буни ўтган йили бўлиб ўтган сайловлар натижасида ҳам кўриш мумкин.

Ёдингизда бўлса, амалдаги Президент Эммануэль Макроннинг қарори билан мuddатидан олдин парламент сайлови ўтказилди. Натижада эса биринчи ўринни сўллар ва яшилларнинг альянси – “Янги халқ fronti” эгаллади. Бу қутилмаган ҳолат натижасида давлат раҳбари Макрон бошчилигидаги марказчилар иккинчи ўринга тушиб қолди ва “Биргаликда” блоки парламентдаги яққа ҳукмронликини бой берди. Учинчи ўрин ўз-ўзидан ўта ўнглارга насиб қилди.

“СЎЛ ҚАНОТ” УСТУНЛИККА ЭГА

Айтиш керакки, айна пайтда “сўл”лар блоки устунликка эга бўлиб турибди. Бунинг сабаби эса ҳеч бир сиёсий куч парламентда мутлақ кўпчилик ўринни қўлга кирита олмади. Шу тариқа мафкураси бир-бирига яқин бўлган “сўл қанот” вакиллари давлат бошқарувида катта таъсир кучига эга блоки ташкил қилди. Бу қанотнинг йирик кучларидан

бири Франция Социалистик партияси ва сўнгги йилларда сўл кучларнинг коалицияси — Янги Халқ Frontи ҳисобланади.

Ўнг қанот — бозор иқтисодиётини эркинлаштириш, солиқ юкни камайтириш ва миллий қадриятларга урғу беради. Бу қанотга марказ-ўнгдаги Республикачилар ҳамда ўта ўнгдаги Миллий Бирлик киради.

Марказчилар — Президент Эммануэль Макрон асос солган Ренессанс — “Уйғониш” партияси шу тоифага киради, у иқтисодий жиҳатдан либерал, ижтимоий масалаларда эса нисбатан прогрессив ёндашувга эга.

Франция социалистик партияси ўз номидан келиб чиқиб социал-демократия тарафдори ва Европа интеграциясини қўллаб-қувватлайди. Яъни, ижтимоий адолат ва тенгликни таъминлаш, иқтисодий ўсиш ва иш ўринлари яратиш, экологик барқарорликка эришиш, халқаро ҳамкорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш ғояларини илгари суради.

Расмий манбаларга кўра, Социалистик партия Миллий Ассамблеяда 59 депутат ўринига эга. Бошқа манбаларда эса бу рақам 66 депутат деб берилган. Бу фарқ депутатлар партия ичида қандай таснифланганига боғлиқ. Масалан, 59 нафар иттифоқдаги аъзолар бўлса, Ассамблеядаги партия фракцияси таркибидаги халқ вакиллари сони 66 нафарни ташкил қилади.

Бу натижа шуни кўрсатадики, Франция жамиятида ҳозир икки асосий сиёсий куч, яъни, чап қанот ижтимоий адолат тарафдорлари ва ўнг қанот “демократлари” тўқнашмоқда. Марказчи либерал кучлар эса оралик позицияда, лекин таъсири пасайган.

ЭНГ ҚАДИМИЙ СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК КУЧ

Франция социалистик партиясига асос солинганига бир асрдан кўпроқ вақт бўлди. Бироқ айна пайтдаги ғоя ва ташаббуслари ўтган асрнинг иккинчи ярмида ўртага чиқди. Партия 1969 йилда, бир неча чап қанот ташкилотлар бирлашгач, расмий равишда ҳозирги номи билан фаолият бошлади. Аслида, унинг илдизлари 1905 йилдаги Франция Социалистларининг ягона иттифоқи ташкил топишига бориб тақалади.

Маълум бўлишича, Социалистик партия дастлаб Жан Жорес бошчилигида ташкил этилган ҳамда Ишчилар халқаро ташкилотининг француз бўлими сифатида фаолият юритиб келган. Вақт ўтиб, айрим сабаблар билан мазкур тузилманинг социалистик тафаккур мактабидан келиб

чиққан ҳолда амалдаги Социалистик партия “дунёга келади”. 1971 йилдаги 58-Эпинай Съездида бошқа социалистик сиёсий кучларнинг интеграциясини ўз ичига олди. Партия фаоллари Франсуа Миттеранни биринчи котиб этиб тайинлади. Франсуа ўз ҳаракатларини “сўл”ларнинг иттифоқи ва Франция Коммунистик партияси билан умумий ҳукумат дастурини ишлаб чиқишга асослаган.

Социалистик кучлар бир неча ўн йил давомида “француз сўли”нинг энг йирик партияси бўлиб келган ва республикачилар билан бир қаторда Франция Республикасидаги иккита асосий сиёсий партиядан бири сифатида фаолият юритган. 1969 йилда у Меҳнаткашлар халқаро ташкилотининг аввалдан мавжуд бўлган француз бўлими ўрнини эгаллади. Европа социалистлари партияси, Прогрессив альянс ҳамда Халқаро социалист каби халқаро ташкилотларга аъзо ҳисобланади.

1970-1980 йилларда Франсуа Миттеран етакчилигида партия катта қучга эга бўлди ва 1981 йилда у Президент сайловида ғалаба қозонди. Миттеран 14 йил давомида мамлакатга раҳбарлик

ИЖТМОИЙ АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ

Ғоявий жиҳатдан партия асосан ишчилар, ўрта синф вакиллари, талабалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатларини ҳимоя қилишга интилади. Франция Социалистик партияси қуйидаги тамойилларга асосланади:

— Ижтимоий адолат, яъни, бой ва камбағал ўртасидаги тафовутни камайтириш.

— Халқ таълими ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш. Соддароқ қилиб айтганда — бепул ёки арзон хизматларни таъминлаш.

— Меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — минимал истеъмол харажатларини ошириш ҳамда иш шaroитларини яхшилаш. Шу билан бирга, яшил иқтисодиётга ўтиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби ташаббусларни ҳам илгари суриб келмоқда.

Партиянинг асосий ютуқлари, минимал иш ҳақини ошириш ва ишчилар ҳуқуқларини кенгайтиришга эришиш билан эътироф этилади. Қолаверса, соғлиқни сақлаш ҳамда таълим тизимида ислохотлар ўтказишда ҳамisha илгорилкка интилади.



““

БИЛАМИЗКИ, ФРАНЦИЯ ДУНЁ ХАРИТАСИДА ҲАМ ИҚТИСОДИЙ, ҲАМ СИЁСИЙ ЖИҲАТДАН АЛОҲИДА НУФУЗГА ЭГА. РЕСПУБЛИКА КУЧЛИ ВАКОЛАТЛАРИ БОР ПРЕЗИДЕНТ ТОМОНИДАН БОШҚАРИЛАДИ ВА У ИЖРО ҲОКИМИЯТИДА КАТТА ТАЪСИРГА ЭГА. МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯ ВА СЕНАТДАН ТАШКИЛ ТОПГАН ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ. МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯДА КЎПЧИЛИК ЎРИНГА ЭГА БЎЛГАН СИЁСИЙ КУЧ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ҲАМ КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР СОҲИБИ БЎЛАДИ.

қилиб, Францияда чуқур ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширди.

Узоқ йиллар давомида етакчилик қилган партия 2017 йилги Президентлик ва парламент сайловларида ўз тарихидаги энг йирик мағлубиятга учради. Бироқ кўп ўтмай, яъни, 2022 йилнинг баҳор-ёз ойларида Социалистик партия Президентлик ва парламент сайловларида ўзининг антирекордларини янгиллади. Аввало, партиянинг Президентликка номзоди, Париж мери Анн Хидалго 1,75 фоиз овоз олди ва 12 номзод орасида 10-ўринни қайд этди. Кейинроқ Миллий Ассамблеяга сайловларда социалистлар 577 ўриндан атиги 26 ўринни қўлга киритди.

Бироқ 2024 йилги сайловда сиёсий куч “ўз қаддини” тиклаб олди ва парламентдаги етакчи блок сафидан жой олди. Айна пайтда якуний сўз айтиш имкониятига эга бўлмаса-да, бошқарувдаги биринчи ўринни қўлга киритган “сўлчи”лардан бири ҳисобланади.

ПАРТИЯ ҲАҚИДА...

Франция Социалистик партияси тарихида бир қатор муҳим воқеалар содир бўлган, жумладан:

1936 йилги халқ fronti ҳукуматида иштирок этди.

1981 йилги Президентлик сайловларида Франсуа Миттеран ғалаба қозонди.

2012 йилдаги Президентлик сайловларида Франсуа Олланд ғолиб бўлди.

Франция Социалистик партиясининг ҳозирги етакчиси: Оливер Фор.

Франция Социалистик партияси Франция сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайди ва унинг қарашлари мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётига таъсир кўрсатади.

ФРАНЦИЯГА ОИД КИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР

- Францияда 400 дан ортиқ пишлоқ тури мавжуд.
- Мамлакат йилига 80 миллиондан ортиқ сайёҳни қабул қилади — бу уни дунёдаги энг кўп ташриф буюриладиган давлатга айлантиради.
- Лувр музейи дунёдаги энг катта санъат музейи ҳисобланади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



2025 йил – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” ЙИЛИ

МЎЪЖИЗАЛАР МУЖАССАМ МАСКАН

Табиат тилсимотларга бой. Сиру-синоатларга тўла. Инсон англаб етмаган муждалари кўп унинг. Сурхондарё вилоятидаги “Боботоғ” миллий табиат боғи ҳам ана шундай мўъжизалар мужжассам манзиллардан бири ҳисобланади.

– Нурафшонлик касб этган масканнинг умумий ер майдони 12 минг 64 гектарни ташкил қилади, – дейди “Боботоғ” миллий табиат боғи илмий котиби Бахтинур Мелибоев. – Минг йилликларга гувоҳ гўша икки қисм – “Говургон” ва “Ойбулоқ” бўлиmlаридан иборат. “Говургон” – илонлар макони сифатида ном қозонгани

кўпчиликка яхши маълум. Пурвиқор ва азим тоғларда 2-3 метрли баҳайбат судралиб юрувчилар борлиги аниқланган. “Ойбулоқ” эса 20 дан ортиқ серсув чашма ҳамда ажойиб бўлоқлари билан машҳур. Сон-саноксиз ўнгир, ажойиб қир ва ўзига хос адирларда ноёб дов-дарахт, бетакрор ўсимлик ҳамда ғаройиб ҳайвонот олами вакилларининг минг турдан ортиғини учратиш мумкин. Уларнинг бир қисми Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилгани билан аҳамиятли.

Денгиз сатҳидан 2000-2200 метр баландда жойлашган “Заркоса” чўққисидамиз. Тепамизда паға-паға булутлар галаси “сузиб” юрган бўлса,

пастдаги гўзалликлар ҳар қандай кишини мафтун этиши табиий. Ўнг тарафда юз йилликлардан сўзловчи арчаларни кўрсангиз, ўзга томонда олис-олисларга чўзилиб кетган ям-яшил водий-ю воҳага кўзингиз тушади.

– Қуёшнинг заррин нурларида товланаётган това тошлардан тортиб, сон-саноксиз “ковак”ларгача бор бу ерда, – давом этади йўлбошловчимиз Фарҳод Баратов атрофга меҳр билан назар ташларкан. – Ҳар жой-ҳар жойда мафтункор жониворлар-у ҳайратланарли мавжудотларни учратасиз. Самога бўй чўзган алвонранг тоғлар ва шарқираб



оқаётган ирмоқлар кўзларни қувнатиб, дилларга ҳузур бахш этиши табиий. Мафтункорликларнинг ҳар бири она сайёрамизнинг ўзига хослиги ва ранг-баранглигидан дарак беради. Осмон билан бўйлашаётган “Боботоғ”нинг оромбахш ва дилтортар ошиён эканлигини англатиши шубҳасиз.

Борлиқнинг бетакрор бойликларига маҳлиё бўлиб ортга қайтар эканмиз, ғаройиботларга тўла манзилга яна келиш иштиёқи уйғонгандек бўлди бизда...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



Қутлов

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

“URGANCH-EVRO- ТЕМІР ВЕТОН”

масъулияти чекланган
жамияти жамоаси

ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ
34 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ҚИЗҒИН
ҚУТЛАЙДИ!

БАРЧАГА МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ,
КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ, ОИЛАВИЙ
БАХТ-САОДАТ ВА ФАРОВОНЛИК
ТИЛАЙДИ.

ИСТИҚЛОЛИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!





Aziz yurtdoshlar!

Aksiyadorlik tijorat Xalq banki eng ulug', eng aziz bayram Mustaqilligimizning 34 yilligi bilan barchangizni samimiy tabriklaydi.

Vatanimiz tinchligi, taraqqiyoti va obodligi yo'lidagi sa'y-harakatlaringizda muvaffaqiyat hamroh bo'lsin.

Sizlarga sog'lik-salomatlik, oilaviy baxt va xonadonlaringizda fayz-u baraka tilaymiz.

Bayram muborak bo'lsin!

Xalq banki jamoasi

 **xazna**



ilovani
yuklab
olish
uchun
QR-kodni
skanerlang



MUASSIS:



**O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI**

O'zbekiston O'vozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 937. 1603 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni —

Topshirilgan vaqti — 00:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.